*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 187 (5478)
18 АВГУСТ 1984й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармалга ҳамда АДР Министрлар Кенгашининг Раиси Султонали Кештмандга телеграмма юбориб, миллий байрам — Мустақиллик тикланиш куни муносабати билан Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетини, АДР Революцион Кенгаши, ҳукуматини, бутун афғон халқини самимий табрикладилар.

● 16 август куни Москвада, В. И. Ленин Марказий музейида Владимир Ильичнинг укаси Д. И. Ульянов туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган суҳбатлар бўлиб ўтди.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида мамлакатдаги телевизион кўрсатувнинг моддий-техникавий базасини 1984-1990 йилларда ривожлантириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Мажлисда уқтириб ўтилганидек, кейинги йилларда совет телевидениеси анчагина ривож топди. Янги кабель ва радио реле линиялари қурилди, кучли телестанциялар ишга туширилди. «Орбита», «Экран» ва «Москва» космик системалари ишлаб турибди, улар телевидение кўрсатувларини мамлакатнинг ҳамма шаҳарларига ва қишлоқ жойларидаги кўпчилик районларга етказиш имконини бермоқда. Шу билан бирга фан-техника тараққиётининг ютуқлари рангли кўп программали телевизион кўрсатувни ривожлантириш ва унинг сифатини анча ошириш учун янги имкониятлар очмоқда.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида олиб кўрсатувчи телевизион станциялар, телевидение ва радиоэшиттириш объектлари қуриш, кенгайтириш ва уларни реконструкция қилишга, йўлдош телевидениеси системаларини ишлаб чиқишга, шунингдек телевизион асбоб-ускуналарнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси белгиланди. Бу тадбирлар мамлакатнинг барча иттифоқдош ва автоном республикалари, ўлка ва областлари аҳолисини телевизион кўрсатувдан янада тўла-тўкис баҳраманд қилишни таъминлаш, умуман совет телевидениесининг иш савиясини ошириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг қарорларига мувофиқ Сиёсий бюро халқ депутатлари Советларининг ишини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг хўжалик ва социал-маданий қурилиш, аҳолига хизмат қилиш барча соҳаларига таъсирини кучайтириш билан боғлиқ бўлган баъзи масалаларни муҳокама қилди. Халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ҳамда кичик шаҳарлар шаҳар Советларининг кадрларини танлаш ва мустаҳкамлашни яхшилаш мақсадида шу Советлар ижрокомларининг сайлаб қўйилган ходимлари мансаб окладларини, шунингдек саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ маорифи ҳамда бошқа тармоқларнинг мутахассислари совет ишига ўтган пайтда сақлаб қолинадиган иш ҳақи миқдорини келгуси йилдан бошлаб ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўртоқ Д. Ф. Устиновнинг Яман Халқ Демократик Республикаси мудофаа министри С. М. Косим билан учрашуви якунларини маъқуллади. Шунингдек бошқа баъзи ички сиёсий ва халқаро масалаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарор қабул қилди.

*Эртага—СССР Ҳаво Флоти куни*



# САМОЛЁТЛАР ПАРВОЗ ЭТАДИ

РЕПОРТАЖ

Ҳар куни тонгда, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам Тошкент аэропортидан заҳматкаш «АН—24» ва «ЯК—40» самолётлари ҳавога парвоз қилади. Улар республикамизнинг турли бурчакларига ўнлаб номдаги газеталарнинг, янги сонларини, шошилинч хат-хабарларни етказиб беради. Бугун биз Фарғонага учиб боряпмиз.

Тошкент — Фарғона трассасини Граждан авиацияси Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон бошқармасининг маҳаллий авиалинияларидаги энг мураккаб йўллардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бу йўлда Чотқол чўққиси бўлиб, унинг энг юқори нуқтаси 3768 метрдир. Тоғлар устида зарурий баландликни сақлаб туриш, шу билан бирга жуда юқорига ҳам чиқиб кетмаслик керак. Чунки қарама-қарши томондан бошқа самолётлар учиб келаётган бўлиши мумкин.

В. И. Горемикин бу трассани деярли ёддан билади. Самолётни автопилот бошқаради. Шундай бўлса ҳам командир диққат билан самога тикилади, бир секунд ҳам қўлини штурвалдан олмайди. Ён томондан эсаётган кучли шамол билан курашиш, самолёт йўлини тўғрилаб туриш зарур. Ниҳоят биз Фарғонага аниқ белгиланган пайтда етиб келдик. Демак, ҳар доимгидек бугун ҳам минглаб кишилар ўз вақтида янги газеталарни оладилар.

В. И. Горемикин экипажи тўрт тоннадан ортиқ почтани ўз вақтида етказиб берди. Энди эса Тошкентга йўловчилар билан қайтиб келди.

Самолётимиз Тошкент аэропорти перронига яқинлашмоқда. Бу ердан икки соат олдин учиб кетган эдик. «АН—24» самолётидан етти марта кўп ўринга эга бўлган ҳаво гиганти — «ИЛ—86» аэробуси биздан сал нарироққа ерга қўнмоқда. Яна бир ярим соатдан кейин эса ҳавога кўтарилиб, Москвага йўл олади.

Албатта аэробуснинг экипажи бошқа, кабиналар ҳам энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Лекин иккала самолётнинг учувчилари учун ҳам муштарак бўлган жиҳатлар бор. Юксак маҳорат, катта иш тажрибаси, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам В. И. Горемикин ва Ғ. А. Саримсоқов экипажлари Тошкент авиакорхонасидаги энг яхши коллективлардан ҳисобланадилар.

«Ил—86» самолётининг командири Ғайрат Абдуллажонович Саримсоқов билан штурманлик хонасида танишдик. Шундан сўнг парвоз пайтида унинг ишини диққат билан кузатдим. Ҳа, эндиликда кўпгина ақлли ускуналар ва жиҳозлар учувчига ёрдамга келган. Шундай бўлса ҳам бутун экипаж ҳар дақиқада, ҳар лаҳзада мураккаб иш билан банд. Самолётнинг йўли, парвознинг бориши, барча агрегатларнинг ишлаши назорат қилиб борилади. Одамлар ҳар бир дақиқада техниканинг хавфсизлигини таъминлаш, бошқаришни қўлга олишга шай турадилар. Командир Ғ. А. Саримсоқов, иккинчи учувчи В. Н. Буланов, штурман Э. А. Ғозиназаров, инженер А. П. Ченцов, бортрадист А. К. Кислюклар коммунист, биринчи классли учувчи, юксак малакали мутахассислардир. Аэробусларни бошқариш фақат ана шундай тажрибали экипажларга топширилган.

Ғ. А. Саримсоқов бошчилигидаги экипаж ҳам В. И. Горемикин экипажи сингари анчагина ёнилғини тежаб қолган. Командирнинг юксак касб маҳорати ана шу фактда намоён бўлади. Унинг ҳисобида 70 тонна тежалган ёнилғи бор. У ўз ваъдасининг устидан чиқишига шубҳа йўқ. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейи арафасида йил бошидан буён тежалган ёнилғи билан Москвага бориб қайтиш экипажнинг қатъий қароридир.

Шуни айтиш керакки, Тошкент—Москва авиалинияси Аэрофлотнинг «намунали» деган номни олишга сазовор бўлган трассаларидан биридир. Табиийки, бу трассадаги бортпроводниклар ҳам юксак малакага эга.

Бизнинг рейсга Р. Г. Данилова бошчилигидаги бригада хизмат кўрсатди. Н. Федотова, О. Савинкова, З. Меньшикова, О. Сухачева ва бригаданинг бошқа аъзолари йўловчиларнинг кўплаб таҳсинларига сазовор бўлишган, авиакорхона раҳбарлиги томонидан тақдирланишган. Йўловчилар учун ҳамиша газета ва журналларнинг янги сонлари ҳозирлаб қўйилади, йўл ҳақида мукаммал ахборот бериб турилади, йўловчиларга аъло даражада хизмат кўрсатилади. Мана, самолёт салонида қандайдир жонланиш рўй берди: қизлар махсус аравачаларда чиройли ёдгорлик буюмлари, одамларга йўлда, командировкада, отпускада керак бўлиши мумкин бўлган нарсаларни тавсия қилмоқдалар. Бу ерда бухоролик зардўзларнинг гўзал буюмларидан тортиб совун ва тароққача бор. Йўловчилар уларни қизиқиш билан харид қилишади. Бир парвоз давомида 3—4 минг сўмлик мол сотилади.

...Қуёш одатдагидек Ғарб томонга ботиб борарди. Биз Тошкентга қўнганимизда у уфқ ортига беркина бошлаган эди. Аммо аэропортда ҳаёт давом этарди: самолётлар учиб-қўнар, янги экипажлар узоқ ва яқин йўлларга ҳозирлик кўришарди. Тошкент авиаторлари ўз профессионал байрамларини қизғин иш билан, берилган ваъдаларни уддалаш учун кураш билан кутиб олмоқдалар. Ахир улар план ва социалистик мажбуриятларни 30 декабрга бажариш, республика юбилейини тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига бажариладиган рейслар билан кутиб олишга сўз беришган.

**Ю. КАЗАЧЕНКО.**

СУРАТДА: Ғ. А. Саримсоқов бошчилигидаги «ИЛ—86» самолёти экипажи.

Т. Каримов фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ:
*ҳисобот ва сайловлар*
МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР БЕРАДИ

# Ишчанлик руҳида

**Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари давом этмоқда. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари йиғилишларнинг ишчанлик руҳини белгилаб бермоқда.**

**Коммунистлар қилинган ишлар тўғрисида ҳисоб беришар экан, энг аввало Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг кейинги пленумларида тилга олинган долзарб масала ва проблемаларга эътиборни қаратмоқдалар. Бугунги кунгача 1203 партия группасида партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу жами партия группаларининг 38,8 процентини ташкил этади. 403 та цех партия ташкилотида партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу жаъми цех партия ташкилотларининг 15,7 процентини ташкил этади. Кўпчилик партия ташкилотларида йиғилишлар ишчанлик, коммунистларнинг ғоят активлигида ўтмоқда.**

**Партия группаларидаги йиғилишларда 8 минг коммунист қатнашган бўлса, шундан 5 минг нафари сўзга чиқди. Цех партия ташкилотларида эса ҳар уч коммунистдан бири сўзга чиқди.**

**Коммунистлар ҳисобот ва сайловлар мобайнида партиявий ишларни такомиллаштиришга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрлар билан ишлашни яхшилашга қаратилган таклифлар билан чиқмоқдалар.**

**Йиғилишларда қимматли ташаббус ва таклифлар ўртага ташланмоқда. Масалан, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ильич номли тажриба-механика заводи темирчилик цехида коммунистлар йиллик планни муддатидан ўн кун олдин бажаришга қарор қилдилар. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси учун пресслаш комплексининг икки камерасини муддатидан илгари аъло сифатли тайёрлашга аҳд қилдилар.**

**«Строймеханизация» трестининг 4-бошқармаси 2-участкаси партия группасининг экскаватор машинисти, коммунист Икромов республика юбилейигача беш йиллик шахсий планини бажариш мажбуриятини олди.**

**Коммунистлар ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб, бошқаларга намуна бўлишар экан, республика пойтахтида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг ғоятда ишчанлик руҳида ўтишига, янги марраларга интилишга илҳом бахш этмоқдалар.**

# ҚУРИЛИШ ДОИМИЙ ПАРТИЯВИЙ КОНТРОЛ ОСТИДА БЎЛСИН

**Қурилишлар ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари партия ташкилотлари секретарларининг 16—17 август кунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўтказган республика семинарида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида бошланғич партия ташкилотларининг иш услуби ва методларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда уларнинг республика қурувчилари коллективларини қурилиш самарадорлиги ва сифатини оширишга сафарбар қилиш соҳасидаги асосий йўналишлари кўриб чиқилди.**

Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи сўзлаб очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ғ. Ҳ. Қодиров қурилиш коллективларидаги ташкилий-партиявий ва ғоявий-тарбиявий ишнинг актуал проблемалари юзасидан докладлар қилдилар.

Семинар қатнашчилари тажриба алмашдилар, партия ташкилотлари маъмуриятнинг фаолияти устидан контролликни қандай амалга ошираётганликлари, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалалари билан шуғулланаётганликлари, сиёсий ва иқтисодий ўқишга раҳбарлик қилаётганликлари, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга интилаётганликлари ҳақида гапириб бердилар. Бир қанча ахборотларда партиявий ишни планлаштириш, цех партия ташкилотларига ва партия группаларига раҳбарлик қилиш практикаси батафсил таҳлил этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини амалга ошириш, капитал қурилишдаги салбий ҳодисаларни — қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликни тугатиш, коллективларда камчиликларга нисбатан муросасизлик, танқид ва ўз-ўзини танқидни дадил авж олдириш, ишлаб чиқариш ходимларининг хат ва аризаларига эътибор билан қараш вазиятини вужудга келтириш тадбирларига катта эътибор берилди.

Семинардаги нутқларда социалистик мусобақани янада ривожлантириш, формализм ва расмиятчилик элементларини тугатиш, барча янги ташаббусларни, айниқса коллектив пудратини янада актив қўллаб-қувватлаш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Бутун партиявий-ташкилий ва идеологик ишлар қишлоқ хўжалигининг муҳим объектлари, уй-жой, мактаблар, болалар муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа маданий-маиший муассасалар қурилишида йўл қўйилган қолоқликни тезроқ бартараф этишга, шу йилги тиғиз планларни ва умуман беш йиллик планни сўзсиз бажаришга, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил топган куннинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилиши лозимлиги семинарда уқтириб ўтилди.

Семинар иштирокчилари Тошкентнинг йирик қурилишларида, қурилиш министрликлари ва идораларида бўлиб, уларнинг иши билан танишдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин қатнашди.

(ЎзТАГ).

# Хотин-қизлар ўртасида активроқ иш олиб борилсин

Республикада тузилган хотин-қизлар ўртасида ишлаш кенгашлари кўпгина фойдали ишлар қилишди. Улар меҳнаткаш аёлларга медицина, маданий хизматни яхшилашга интилмоқдалар, уларнинг малакасини ошириш, юксак унум билан меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Хотин-қизлар ўртасида ишлаш республика кенгашининг 17 август куни бўлиб ўтган мажлисида Тошкент шаҳридаги истиқомат жойларида хотин-қизлар ва болалар ўртасида ишлаш, Наманган областида хотин-қизларнинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ошириш ҳақидаги ахборотлар тингланди.

Мажлис қатнашчилари ижобий натижаларни қайд этиш билан бирга камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Кенгаш хотин-қизлар ўртасида ишлашни янада яхшилаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга янада активроқ жалб этиш юзасидан тавсиялар қабул қилди. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида ғоявий-тарбиявий ишни ҳамма жойда кучайтириш, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил топган куннинг 60 йиллигига тайёргарликда хотин-қизларнинг актив қатнашиши зарурлиги уқтириб ўтилди.

(ЎзТАГ).

# ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Ўзбекистон жамоатчилиги Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 37 йиллиги ҳамда тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида СССР билан Ҳиндистон ўртасида тузилган шартноманинг 13 йиллигига бағишланган совет—ҳинд дўстлиги Бутуниттифоқ ойлигида фаол иштирок этмоқда. Шонли сана шарафига республиканинг шаҳар ва қишлоқларида дўстлик кечалари бўлиб ўтмоқда, клублар ва маданият саройларида фотовиставкалар очилиб, кинотеатрларда ҳинд фильмлари намойиш қилинмоқда.

17 август куни Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда республика ўқув юртларида билим олаётган студентлар ва аспирантлар иштирок этдилар.

Сўзга чиққан кишилар совет ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатлари ҳозирги халқаро вазиятда алоҳида аҳамият касб этиб, тинчлик ва барқарорлик гарови бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилаётганлигини мамнуният билан уқтириб ўтдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари мана шу дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

(ЎзТАГ).

*● Бугун—Эрнст Тельман хотираси куни*

# Эрнст Тельманга бағишланди

«Эрнст Тельманнинг ҳаёти. Суратлар ва ҳужжатлар»— немис халқининг шонли фарзанди, халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби тўғрисидаги ана шу тўпламни ГДР Миллий кутубхонаси Ўзбекистоннинг Навоий номли кутубхонасига туҳфа қилди. Бу китоб тошкентлик библиографлар учун айниқса азиздир, чунки илгари у Тельманнинг қизи — Ирманинг қўлида сақланаётган эди.

Китоб Эрнст Тельманга бағишланиб Тошкентда нашр этилаётган тўпламни бойитди. Бу тўпламда кўплаб асар — Германия пролетариати йўлбошчиси, эҳтиросли антифашистнинг мақолалари, нутқлари, брошюралари, шунингдек унга бағишланган китоблар бор. Навоий номидаги кутубхонада Эрнст Тельман ҳаёт вақтида нашр этилган унинг асарлари —«Халқ революциясининг вазифалари», «Германия Компартияси ва янги революцион юксалиш» асарларининг нодир нусхалари сақланмоқда. Бу асарлар 1929—31 йилларда Германияда, шунингдек Москва ва Ленинградда нашр этилган эди.

# *АДИБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ*

Ёзувчилардан бир группаси Наманган областидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдураҳмон Жўраев бошлиқ бригада пахтакорлари ҳузурида бўлди. Ўткир Рашид, Мавлон Икром, Нодира Рашидова Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ёзган ўз шеърларини деҳқонларга ўқиб бердилар.

# БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики XVIII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг ўн биринчи сессияси 1984 йил 23 август куни соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) мажлислар залида очилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00 дан рўйхатга олинадилар.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.**

# ШУ КУННИНГ НАФАСИ

## *Бугун Тошкентда:*

**Тўқимачилар маданият саройида совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллиги ва тўқимачилик комбинати ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб «Менинг касбим—менинг фахрим» деган учрашув бўлиб ўтди. Унда корхонанинг донгдор тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Павловна Казанцева катта коллективнинг босиб ўтган самарали ҳаёт йўли ҳақида гапириб берди. Уруш йилларида тўқимачилар бутун мамлакатни ва биринчи навбатда фронтни ип билан тўла таъминлаб турганлар. Саройда намойишга қўйилган жуда кўп рангли фотосуратлар ўша машаққатли йиллар ва корхонанинг дастлабки ташкил бўлиши ҳақида ҳикоя қилди.**

* * *

**Тошкент студентлар қурилиш отрядлари шаҳар штаби Халқлар Дўстлиги проспектида бунёд этилаётган Реставраторлар уй-жой биноси қурилишида студент-қурувчиларнинг ғишт териш касб маҳорати бўйича шаҳар конкурсини ўтказди. Политехника, медицина, халқ хўжалиги, чет тиллар педагогика институтларининг звенолари бу ўзига хос мусобақада беллашдилар.**

## *ОБ-ҲАВО*

● **Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда** 31 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 20—21, эртага кундузи 38—40 даража иссиқ бўлади.

# КИТОБ ЯРМАРКАСИ

VIII Бутуниттифоқ улгуржи-чакана китоб ярмаркасининг «Китоб — миллий маданиятларни ривожлантириш хизматида» деган шиори бутун мамлакатдан ёзувчилар, китоб савдоси ташкилотлари, нашриётлар ходимларини Ўзбекистон пойтахтига йиғади. Ярмаркадан мақсад — совет адабиётини пропаганда қилиш, иттифоқдош республикалар ўртасида китоб фондларини айирбошлаш, илм-фан, техника, адабиёт, санъат ютуқлари билан бир-бирларини бойитишдан иборатдир.

Тошкентда билим хазиналари билан учрашув байрами 4 сентябрда бошланади. У «Юбилейний» саройида тантанали равишда очилиб, шундан сўнг шаҳар майдонларига ўтади. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ёнида, Шеърият хиёбонида китоб бозорлари очилади, Ўзбекистон шоирлари ва ёзувчилари, байрамнинг меҳмонлари — қардош республикалар адибларининг вакиллари китобхонлар билан учрашгани бу ерга келадилар.

VIII Бутуниттифоқ китоб ярмаркасининг қатнашчилари авиасозлар, тўқимачилар, тракторсозлар, қишлоқ хўжалик техникасини яратувчилар, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг студентлари ҳузурига келадилар. Ярмарка 8 сентябргача давом этади.

● Шарҳчи сатрлари

# ОЛЬСТЕР: ҚОНУНЛАШТИРИЛГАН ҲУҚУҚСИЗЛИК

Фронт ёқаси шаҳарларини эслатувчи Белфаст, Лондондерри ва Ньюрининг католиклар яшайдиган геттоларида яна ўт алангалаб, кўчаларда яна ўқ товушлари эшитила бошлади. Инглиз маъмурлари Шимолий Ирландиянинг Буюк Британия ҳукумати мажбуран қабул қилдирган мустамлакачилик тартибларига қарши чиқаётган камчилик католик аҳолисидан ўч олишни кучайтирмоқдалар. Инглиз солдатлари, Ольстер қирол полицияси ва протестант экстремистлар ана шу қонуний талабларга жавобан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган зулм ва репрессияни кучайтирмоқдалар. Мустақиллик учун кураш активистлари ёппасига қамоққа олинмоқда.

Шимолий Ирландияга инглиз босқинчи қўшинлари киритилганига 14 август куни 15 йил тўлди. Расмий Лондон бутун Ольстерда авж олиб кетган граждан ҳуқуқларига эришиш оммавий ҳаракатини бўғиб ташлаш мақсадида Шимолий Ирландия халқига қарши эълон қилинмаган уруш бошлади. Ваҳшиёна сиёсий ва социал-иқтисодий камситишларга дучор қилинган камчилик католик аҳолининг инсоний ҳуқуқлар ва демократик ўзгаришларни талаб этувчи ҳар қандай чиқишлари Британия солдатлари найзалари ёрдамида бостирилмоқда.

Тэтчер ҳукумати куч ишлатиш, ҳарбий-полиция зулмини кучайтириш йўлидан бориб, Ольстерда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган қонли можарони янада авж олдириб юборди. Шимолий Ирландияда инсоннинг энг оддий ҳуқуқлари ва граждан эркинликларини оёқ ости қилиш оддий иш бўлиб қолди. Британия маъмурлари суд жазоси қўлланишни мислсиз даражада авж олдириб, Англиянинг «оқ мустамлакаси» — Ольстерда репрессияни кучайтирмоқда.

Расмий Лондон Ольстер проблемасини ҳал этишга мустамлакачи сифатида ёндошаётганлиги Шимолий Ирландия халқини фалокатга дучор қилди. Эълон қилинган маълумотларга қараганда, Лондон Ольстерни «бевосита идора» қила бошлагандан буён бу ерда 2 минг 300 дан кўпроқ киши ўлдирилган, қарийб 20 минг киши жароҳатланган ва майиб-мажруҳ қилинган. Британия армияси ва полициясига чекланмаган ҳуқуқларни берувчи жазо қонунларига мувофиқ Шимолий Ирландиядаги қамоқхоналарда минглаб ватанпарварлар ва граждан ҳуқуқлари учун курашчилар суд ва терговсиз азоб чекмоқда.

Ольстерда демократик ўзгаришлар қилиш вақти аллақачоноқ етилган. Бироқ консерваторлар ҳукумати масалани сиёсий йўл билан ҳал этиш учун реал қадам қўйишдан қайсарлик билан бош тортиб, зулм ва терговга зўр бермоқда. Британия империализми ҳукмронлиги сақланиб қолаётганлиги жафокаш Ольстерда миллий ва социал проблемаларни ҳал этиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Тэтчер ҳукумати оғизда «инсон ҳуқуқлари» ва «демократик афзалликлар» тўғрисида гап сотиб, амалда Шимолий Ирландияда граждан ҳуқуқлари учун, барча соҳалардаги ҳақсизлик ва камситишларга қарши адолатли кураш олиб бораётган камчилик католик аҳолига нисбатан қурол-яроғни шафқатсиз ишга солмоқда.

**Р. СЕРЕБРЕННИКОВ,**
**ТАСС шарҳчиси.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари—ҳаётга!

# ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

14 август куни Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг «Таштеплосеть» саноат корхонасида «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг якунлари ҳамда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат интизомини янада мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан «Таштеплосеть» корхонаси бошланғич партия ташкилотининг вазифалари» мавзуида партия йиғилиши бўлиб ўтди.

«Таштеплосеть» саноат корхонаси партия ташкилотининг секретари Н. А. Скрипников йиғилишда доклад қилди. Корхонанинг илғор бригадалари меҳнатчилари, деб таъкидлади докладчи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этмоқдалар.

Йиғилишда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, бирлашманинг натижалари бундан ҳам юқорироқ бўлиши мумкин эди. Бунинг учун барча бўлинмаларнинг, бошланғич партия ташкилотларининг етакчилари мавжуд нуқсонларга қатъийлик билан изчил барҳам беришлари, хўжалик механизмини такомиллаштиришлари, бошқариш савиясини, кадрлар масъулиятини оширишлари зарур эди. Барча бўлинмалар ва бригадаларда ишнинг бир маромда боришини таъминлаш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари пленумлари талаб этганидек, план топшириқларининг бажарилишини ҳеч сўзсиз таъминлаш, план ва давлат интизомиға риоя қилиш лозим эди.

Йиғилиш қатнашчилари таъкидлашганидек, саноат корхонаси ишидаги мавжуд нуқсонлар иссиқлик таъминоти учун жавоб берувчи корхоналар ишидаги камчилик ва нуқсонлар билан изоҳланади. Шаҳарни қишга тайёрлаш билан шуғулланувчи айрим раҳбарлар хўжалик юритишнинг интенсив методларига актив ўтиш шароитларида ишлашга тайёр эмасликларини, ишнинг кўзини билмасликларини, қатъиятсиз, лоқайд эканликларини, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларини жорий эта олмасликларини, зарур ишлаб чиқариш ва маиший турмуш шароитларини яратиб бермаганликларини ошкор қилиб қўйдилар. Улар кадрлар резервини яратиш ва тайёрлаш ишида нуқсонларга йўл қўйдилар, дейилди йиғилишда.

Докладчи шуни таъкидладики, 1984 йилнинг биринчи ярим йиллигида капитал қурилиш плани 101 процент бажарилган бўлса-да, ҳали ҳал этилмаган масалалар кўп. Йиғилишда Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети, раис ўринбосари У. В. Муталибов шаънига кескин танқидий фикрлар билдирилди. Улар шу пайтгача муҳим иссиқлик трассаси қурилишига халақит бераётган 4 та турар жойни бузиш ва кўчириш масаласини ҳал қилмадилар. Ҳолбуки, бу иссиқлик трассаси ишга туширилса, Қорақамиш массивидаги бир қатор турар жойлар ва 3- ва 4-район қозонхоналарини иссиқ сув билан таъминлаш яхшиланган бўлур эди.

Шунингдек, деб таъкидлади докладчи, «Шимолий-Шарқ» насос объекти қурилиши ҳанузгача тугалланмади. Ҳолбуки, у ишга тушса гидравлик режим таъминланган, Максим Горький кўчаси, Луначарск шоссеси, Доғистон кўчасини иссиқлик билан таъминлаш яхшиланган бўлур эди.

Иссиқлик электр марказини реконструкция қилиш чидаб бўлмас даражада чўзиб юборилмоқда, деди докладчи. Ҳолбуки, у Тошкент тўқимачилик комбинатини иссиқлик билан таъминлашни яхшилаш учун зарур эди. Сувни химиявий усулда тозалаш объекти қурилиши ускуналар билан тўла комплектлашгани йўқ. Шу пайтгача омбор учун янги бино қурилиши тугалланмади. Пудратчи — «Узбекгидроэнергострой» трестининг «ТашГРЭСстрой» қурилиш бошқармаси (бошлиғи С. А. Иванов) ўта суст ишламоқда ва объектда кучлар кам.

Йиғилиш қатнашчилари корхона директорининг ўринбосари, коммунист Е. Л. Фальковичга, капитал қурилиш бўлими бошлиғи И. Г. Гольдинга қурилишдаги нуқсонларга, қолоқликка ғоят қисқа муддат ичида барҳам бериш юзасидан амалий чоралар кўриш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан саноат корхонасининг директори Н. И. Убайдуллаев Шота Руставели кўчасидаги иссиқлик трассаси қурилишини шу иситиш мавсумгача қуриб тугаллаш зарурлигини уқдириб ўтди. Бу масалада, деб таъкидлади у, комплектлаш бўйича жуда катта оперативлик кўрсатиш талаб этилади.

Иссиқлик электр марказининг электр цехи бошлиғи, коммунист А. И. Ткаченко ўз сўзида айрим коммунистларнинг партиявий интизоми пастлиги, кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларига асосий эътиборни қаратди. Партия ташкилоти кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда жиддий нуқсонларга йўл қўймоқда, деди у. Биз ходимларнинг ахлоқий сифатларига, нуқсонларга принципиал баҳо бермаяпмиз. Бу ишда хотиржамлик ва лоқайдлик қиляпмиз.

Ўтган йилги иситиш мавсумида корхона иши шаҳар аҳолисининг кўплаб эътирозларига сабаб бўлди, деб таъкидлашди йиғилишда сўзга чиққанлар.

Йиғилиш қатнашчилари ишдан чиққан магистраль иссиқлик тармоқларидаги қувур ўтказгичларни алмаштириш масаласи тўғрисида жон куйдириб гапиришди. «Узбекгидроэнергострой» трестининг бу борадаги ишларни ташкил этиши қониқарсиз аҳволдадир, қувур ўтқазиш учун зарур мосламалар, механизмлар етишмайди. Шу пайтгача, деб таъкидланди йиғилишда, республика Энергетика ва электрлаштириш министрлиги зарур техникани ажратиб бериш масаласини ҳал этганича йўқ.

Иссиқлик электр марказининг алоқа электр монтёри Т. М. Гришанина ва слесарь В. Н. Коршуновалар асбоб-ускуналар ремонти қониқарсизлиги тўғрисида гапиришди. Йиғилиш коммунистлардан В. М. Палагин ва М. Л. Глейзерлар зиммасига ускуналарни тайёрлаш масаласини партиявий, ишчанлик билан ҳал этиш вазифасини юклади.

Йиғилиш қатнашчилари идеологик, оммавий-сиёсий ишлардаги нуқсонлар тўғрисида принципиаллик билан гапирдилар. Сўзга чиққан бирлашма комсомол комитетининг секретари Т. А. Чувашева шуни таъкидлаб ўтдики, корхона партия ташкилоти ва маъмурияти комсомол ташкилотига раҳбарликни яхшилаши зарур. Комсомол ташкилоти ишининг таъсирчанлигини ошириш тўғрисида етарлича ғамхўрлик кўрсатилмаяпти, деб таъкидлади у.

Кадрларни тарбиялаш, нуқсонларга қарши курашда танқид ва ўз-ўзини танқидни янада кучайтириш керак. Партия бюроси мажлисларини ва партия йиғилишларини ўтказиш практикасини тубдан яхшилаш лозим.

Йиғилиш қатнашчилари шунга қатъий ишонч билдиришдики, «Таштеплосеть» саноат корхонаси партия ташкилотининг коммунистлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, партия ва давлат интизомини қатъий мустаҳкамлайдилар, кадрлар билан ишлашни такомиллаштирадилар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейини муносиб кутиб оладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров қатнашди ва нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг биринчи секретари С. А. Хўжаева ва Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрининг ўринбосари М. С. Саидов қатнашдилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҳисобот ва сайловлар

МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР БЕРАДИ

# БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ ҚАДРИ

М. Бердиева етакчилик қилаётган партия группаси ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар уюшқоқлик, талабчанлик, кадрлар билан ишлаш тадбирлари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар. Бу ерда Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг 3-участкаси ёш тўқувчилари ишлашади.

Коммунистлар ҳисобот даврида қилинган ишларга якун ясар эканлар, дейилади докладда, энг аввало партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорлари асосида ўз фаолиятларини таҳлил этишлари керак.

Маърифат Бердиева коллектив ишлари тўғрисида ҳикоя қилар экан, ҳеч нарсани яширмади. Смена узоқ вақт ортда қолди. Фақат шу йилдан бошлаб тўрт ой сурункасига давлат плани бажарилди. Ишларда ўзгариш рўй бергандек туюлди.

Бироқ, май ойида яна план бажарилмади. 54 минг метр газлама кам берилди. Бу ҳаммани ташвишга солди. Партия группаси составида цех партия ташкилотининг секретари, илғор мастер ёрдамчиси Сергей Прохоров ғайрат-шижоат кўрсатди. Хуллас, партия группаси коллективни қийинчиликларни енгиб ўтишга сафарбар этди, июнь ойи плани бажарилди. Афсуски, смена эришилган ютуқларни мустаҳкамлайолмади. Июлда яна 26,5 минг метр газлама кам етказиб берилди.

Хўш, топшириқни бажаришга нима халақит берди? Докладчи бунинг бош сабаби коммунистларнинг кадрлар билан ишлашни бўшаштириб юборганида, деб баҳолади. Сменада кадр ишчилар сони оз, план тақдири яқиндагина комбинатнинг билим юртини битириб чиққан ёш ишчиларга боғлиқ бўлиб қоляпти. Ҳали уларда тажриба етишмаётир, ёрдамга муҳтождирлар. Ҳатто докладда «Мураббийчилик бизда фақатгина қоғозда ташкил этилган», деб айтилди. Бу партия группасининг барча коммунистларига қарата айтилган жиддий танқид эди. Ҳақиқатан ҳам ёш ўринбосарлар тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинганда эди, бу камчиликлар ҳақида ҳозир гап ҳам бўлмасди.

Ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан ёш тўқувчидан 10 нафаригина нормадаги 31 ўрнига 32 станокка хизмат кўрсатяпти, холос. Зотан, уларнинг барчаси топшириқларни аранг уддалашмоқда. Шулардан тўрт тўқувчи эса умуман тўқувчилик маҳоратига эга эмас. Улар унчалик малака талаб қилмайдиган ишда меҳнат қилишяпти. Қолган олти ёш тўқувчи эса бор-йўғи 24 станокка хизмат кўрсатяптики, бу нормадан камдир.

Йиғилишда шу нарса аниқландики, сменада 96—100 станок бўш туриб қолар экан. Негаки, бир неча ёш тўқувчилар меҳнат отпускасига чиқиб кетишган, уларнинг ўрнини босадиган тўқувчилар эса йўқ.

Шундай қилиб, мураббийлар тўғрисидаги масала кўтарилди. Қолоқларни ҳеч бўлмаганда ўрта даражага етказиб олиш вазифаси қўйилди.

Ҳунар-техника билим юртини битириб чиқаётганлар малакасининг пастлиги тўғрисидагина эмас, балки улар ўртасида меҳнат интизомини бузувчилар кўплиги ҳақида гап борди. Ишга кечикиб келиш, эрта кетиб қолиш, прогул ҳоллари оз эмас.

Докладчи ана шу фактларни келтирар экан, комсомоллар, ёшлар билан ишлашдаги масъулият Дилбар Қулматова зиммасига тушади, деди. У илғор тўқувчи, Виноградовалар мукофотининг лауреати, унга шундай масъулиятли партиявий топшириқ берилгани бежиз эмас. У ёшлар билан ишлай олишини авваллари кўрсатган. Бироқ, Дилбар ярим йил цехда бўлмади (отпускага чиқди, тўрт ой диплом иши ёзди). Тўқимачилик институтини битиргандан кейингина ишлаб чиқаришга қайтиб келди. Демак, Д. Қулматова йўқ, деб ёшлар билан ишлашни кейинга суриш лозиммиди? Наҳотки партия группасининг қолган олти коммунисти — смена мастери А. Мирзараҳимов, цех партия ташкилоти секретари, мастер ёрдамчиси С. Прохоров, ишлаб чиқариш таълими инструктори С. Пресницкая, партия группасининг аъзоси, тўқувчи Т. Мамазоидовалар ёш ўринбосарлар билан ишлашга вақт тополмаган бўлсалар?! Жуда ҳақли савол!

Докладчининг фикрига қўшилган коммунистлар партия группаси ишидаги бошқа нуқсонлар тўғрисида ҳам гапирдилар. Масалан, смена мастери О. Мирзараҳимов дастгоҳларни яхшироқ сақлашга эътиборни қаратди. Айниқса участкада ёшлар кўпчиликни ташкил этган бир пайтда бу муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳсулот сифати, иқтисод ва тежамкорлик учун курашга эътибор ҳам сусайиб кетган.

С. Пресницкая мастер ёрдамчилари шаънига жиддий эътироз билдирди. Улар тўқувчилар билан биргаликда бракка йўл қўймаслик чораларини кўришлари керак. Хуллас, бу нуқсонларнинг ҳаммаси кишиларга талабчанликнинг йўқлиги билан изоҳланади.

Коммунистлар бу нуқсонларга кўп жиҳатдан тайёрлов бўлими айбдор эканлигини ҳам айтишди. Айниқса ёшларни хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга ўтказишга шу бўлим ишларидаги нуқсонлар сабаб бўлмоқда. Ҳозир участкада илгари 40 та дастгоҳга хизмат қилаётган тажрибали тўқувчилар эндиликда 32 та дастгоҳга хизмат кўрсатишаётганини қандай баҳолаш керак? Фабрика маъмурияти (ишлаб чиқариш бошлиғи А. Нурматов)га ана шундай ҳақли савол берилди.

Цех нормаловчиси В. Шкуркина ўз сўзида ёшларга ўргатишнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Билим юртини битириб чиққан бир группа қизлар участкага практикага келишди. Ана шу пайтданоқ улар билан шуғулланиш керак эди. Ахир цех кадрларга муҳтож-ку. Доимо кадр йўқ, деб нолишади. Ҳолбуки, ёшларга илғорлар тажрибасини ўргатишга эътибор берилмайди. Бинобарин, кадрлар билан мустаҳкамлашнинг ягона йўли шу-ку.

Маълумки, кишиларни тарбиялашда, социалистик мусобақа ошкоралиги учун курашда кўргазмали агитация катта роль ўйнайди. Участкада негадир партиявий ишнинг бу муҳим воситасидан фойдаланилмаяпти. Бунинг устига докладда ҳам, сўзга чиққанларнинг нутқларида ҳам бу ҳақда лом-мим дейилмади.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши шуни кўрсатдики, коммунистлар ўз нуқсонларини ва бу нуқсонлар нималарга олиб келганини, бой берилган фурсат қадрини аниқ-равшан тушуниб етишди. Қабул қилинган қарорда улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг пленумлари талаб этганидек ўз хатоларини тузатишнинг конкрет тадбирларини белгилаб олишди.

Коммунистлар М. Бердиевани партия группасининг ташкилотчиси қилиб қайта сайладилар ва унинг зиммасига танқидий фикрларни ҳисобга олиб, партия группасининг иш услубини тубдан қайта қуриш, унинг жанговарлигини ошириш вазифасини юкладилар.

И. МАРГОНИН.



Пойтахтимиздаги бадиий буюмлар фабрикаси коллективи москваликларнинг «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор ҳафта» ташаббусига қўшилиб, ана шу муборак сана шарафига зарбдор вахтада туриб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: (юқорида) попоп цехи бошлиғи Нодира Парфибоева илғор чевар Мазлума Акромова бажарган ишни кўздан кечирмоқда.

* * *

«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида тажрибали меҳнат ветеранлари ишлаб чиқаришнинг олдинги сафларида ғайрат кўрсатиб тер тўкмоқдалар. Ана шундай ишчилардан бири коммунистик меҳнат зарбдори Ю. Нараевдир. У 40 йилдан бери мазкур корхонада ўз касбини шарафлаб келмоқда.

СУРАТДА: (пастда) Ю. Нараев.

Х. Мирзакаримов ва М. Нуриддинов фотоси.



# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## Космосга аталган маҳсулотлар

БЕРЛИН. ГДРда космик приборсозликка асос солинганига атиги 15 йил бўлди. Бироқ шу давр ичида анчагина муваффақиятларга эришилди. 1969 йилда «Интеркосмос—1» ер сунъий йўлдоши учирилган пайтдан буён тармоқ ривожланмоқда. Йўлдош ичида республика мутахассислари тайёрлаган қуёшнинг ультра бинафша ва рентген нурланиш даражасини ўлчайдиган прибор ўрнатилган эди.

Ўша пайтдан бери ГДРда ясалган 150 та турли прибор ва аппарат космосга олиб чиқилди, деб ҳикоя қилади ГДР Фанлар академияси космик тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари Ральф Иоахим. Бундай приборлар ва аппаратлар ракеталарга, йўлдошларга ўрнатилди, шунингдек учувчи бошқарадиган космик кемалар ва орбитал станциялар асбоб-ускуналари қаторидан жой олди. ГДРда қурилган приборлар ёрдамида ғоят қимматли маълумотлар олинди. Бундай маълумотлар «Интеркосмос» программасини амалга оширишда қатнашаётган барча мамлакатларда илм-фанни ривожлантириш учун хизмат қилди.

МКФ—6 кўп спектрал камера ва унинг МКФ—6М модификацияси яратилганлиги ГДР мутахассисларининг янги катта муваффақияти бўлди. Бундай мураккаб оптик приборлар юзлаб километр баландликдан ерни тадқиқ этиш учун космонавтлар фойдаланаётган кўп сонли аппаратлар орасида мустаҳкам ўринни эгаллади. Ана шу камералар ёрдамида ер юзи айрим районларининг фотосуратлари қардош мамлакатлар халқ хўжалиги кўпгина тармоқларининг мутахассисларига планетамиз тўғрисида янги маълумотлар беради.

## КУБАЛИК МЕҲНАТКАШ АЁЛЛАРНИНГ ПЕШҚАДАМИ

ГАВАНА. Мария Элена Гонсалес— шакар қамиш ўрадиган комбайн штурвалига ўтирган дастлабки кубалик хотин-қизлардандир. У Матансас вилоятидаги йирик агросаноат комплекси далаларида ишлай бошлаганига олти йил бўлди. Мария мислсиз сабот ва матонат кўрсатиб, 1981—1982 йилларда шакар қамиш йиғиштириб олиш мавсумида Куба хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб бир миллион арробадан (бир арроба 11,5 килограмм) ортиқ шакар қамиш ўриб олди. Мария Элена кейинги икки мавсумда ҳам йиғиштириб олинган шакар қамиш миқдори жиҳатидан хотин-қизлар орасида биринчи ўринни эгаллаб, юксак кўрсаткичларга эришди.

Ишдаги ўртоқларининг айтишича, Мария Элена Гонсалес ўзига нисбатан юксак талабчанлиги ва техникани авайлаб-асраши билан ажралиб туради. У бошқараётган комбайн саккиз мавсумдан бери ишламоқда. Ҳозирги вақтда Мария Элена ўз машинасини келгуси мавсумга тайёрламоқда.

## Бир неча соатда битта уй қурилади

ПРАГА. Острава шаҳридаги уйсозлик комбинати ишлаб чиқараётган айрим панеллардан бир неча соатда битта уй қурилади. Комбинат коллективи совет геологлари, нефтчилари ва газ қазиб олувчиларининг заказларини бажариш учун меҳнат қилмоқда.

Йиғув цехидаги майдонда навбатдаги туркум уйлар Совет Иттифоқига жўнатиш учун тахт қилиб қўйилган. Архитекторлар ва қурувчилар Сибирь ва чекка шимолнинг қаттиқ шароитида мазкур уйлар одамларга манзур бўлиши учун ҳамма ишни қилишга интилдилар. Деворлар орасига батареялар, электр симлари ўрнатилган ва барча қулайликлари бўлган бундай уйлар 40—80 хонадонга мўлжалланган.

Ўтган йили «Сургут—80» типидаги уйларнинг дастлабки туркуми шимолий қутб доирасида синовдан ўтди. Цельсий бўйича 57 градус совуқда уй ичидаги иссиқ сақланиб қолди. Улар довул кучига бардош берди.

Бу йил комбинат қурувчилари буюртмачилар учун 250 га яқин турли типдаги уй қуриб берадилар. Олдинда геологлар учун мўлжалланган «вахта» уй-жой комплексларини ишлаб чиқариш вазифаси турибди. Бундай уйлар йиғиш ва ундан фойдаланишдаги оддийлиги билан ажралиб туради. Бу эса бир мавсумда бир неча жойга кўчишига тўғри келадиган геологлар учун муҳимдир.

## ҲУНАР МАСКАНИ

**АДДИС-АБЕБА.** Эфиопия пойтахтидаги ҳунар-техника таълими билим юртлари тугаган ўқув йилида турли касбдаги 4 мингта малакали ишчи тайёрлаб чиқарди. Булар орасида механиклар ва слесарлар, дурадгорлар ва қурувчилар бор. Яқин вақт ичида улар мамлакатнинг турли жойларидаги саноат корхоналарида, қурилишларда, давлат фермаларида ишга киришадилар.

Эфиопия меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси Марказий Комитетининг аъзоси, Маориф министри Билилинь Мандефро битирувчилар ҳузурида нутқ сўзлаб, малакали мутахассисларсиз мамлакатда социалистик жамиятнинг иқтисодий базасини яратиб бўлмайди, деди. Революцион ҳукуматнинг куч-ғайрати туфайли, деди у, мамлакат ўқув юртларида техника таълимининг яхлит системаси жорий этилди, янги техникумлар қурилмоқда ва мавжудлари модернизация қилинмоқда.

## «СЛОВЯНКА» ЎРОҚ МАШИНАСИ

СОФИЯ. Русе қишлоқ хўжалик машинасозлиги институтининг коллективи совет мутахассислари билан яратган ўзиюрар ўроқ машинасининг янги тури «Словянка» деб аталади. 4,20 метрдан 10 метргача бўлган кенгликдаги дуккакли дон экинларини ва ўтўланларни ўриш учун мосламаларнинг турли хилларини қўллаш мумкин. Болгарияда биринчи марта шу типдаги машиналарга ғилдиракнинг гидравлик трансмиссияси ўрнатилди. Бу эса машина ғилдирагининг тез айланишини таъминлади ва механизаторнинг ишини анча енгиллаштиради. Янги ўроқ машина Русе шаҳридаги Г. Дмитров номли қишлоқ хўжалик заводида ишлаб чиқарилади ва Совет Иттифоқига экспорт қилинади.



ЧССР. Режиссёр С. Герасимовнинг «Лев Толстой» фильми Чехословакиянинг Карлови Вари шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кинофестивалида бош соврин — «Биллур глобус»ни олишга сазовор бўлди.

СУРАТДА: С. Герасимов фестиваль мукофоти билан.

ЧТК—ТАСС телефотоси.



## Фотокалейдоскоп

Гамбург ҳайвонот боғида (ГФР). Жажжи қушча онасига овқатланиш вақти бўлганини билдирмоқда.

ДПА—ТАСС фотоси

* * *

Япония. Осака шаҳрида истиқомат қилувчи 56 яшар Тагава Кэсаситиро ўзи ихтиро қилган велосипед билан кўп йиллардан буён фахрланиб келмоқда. У турли хил велосипедларни тўплаган. Унинг кейинги «ижоди» намунасини суратда кўриб турибсиз. Бу велосипеднинг баландлиги 3 метру 40 сантиметр, бўйи 5 метрга боради. Ғилдирагининг диаметри 2 метр. «Велосипед ихтирочиси» бу велосипед устида салкам тўрт йил иш олиб борган.

ТАСС фотохроникаси.



• ДЎСТЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

# ЯНГИЛАНГАН ЕРЛАР

Ўзбекистонлик мелиораторлар Иваново область Шуя районидаги «Качаловский» совхозида энг катта майдонни экишга тахт қилдилар. Улар қисқа муддат ичида ботқоқликларни қуритиб, ёпиқ зовур тармоқларини ўтказдилар, ерга ўғит солдилар. Ҳозир ана шу майдонлардан олинаётган жавдар ҳосили бошқа жойларга нисбатан қарийб икки баравар кўп ўрилмоқда.

— Жавдар ва буғдойдан биринчи ҳосил олаяпмиз,—деди совхоз директори К. Буланцев.—Келаси ёзда 700 гектарли массивга беда экамиз. Натижада ем-хашак тайёрлаш икки баравардан зиёд кўпаяди.

Шуя районида 850 гектардан кўпроқ ерни эгалловчи «Жизнево» объектида В. Михайлов комплекс бригадаси ишламоқда. Мелиораторлар сентябргача— мўлжалдан бир ой аввал ярим минг гектар майдонни ишга тушириш ниятидадирлар.

Бутун коллектив ихтисослашган звеноларга бўлиб чиқилган. Бир звено кўприклар, кўприк трубалар қураётган бўлса, бошқа бир звено магистрал каналлар, учинчи звено зовурлар қазимоқда, тўртинчи звено эса экин экишга ер тайёрламоқда.

Бирон участкада иш мушкуллашиб қолса, қўшнилар ёрдамга ошиқади — мелиораторлар бир неча касбларни мукаммал биладилар. Звеноларнинг ҳар бири пировард натижа — объектни буюртмачига муддатидан илгари топширишдан баб-баравар манфаатдордир.

Битта наряд билан ишлаш механизациялашган колонна коллективини жипслаштирди, интизомни оширди. Меҳнат унумдорлиги ортди. Колоннада бир ишчининг иш унуми трест бўйича ўрта ҳисобда 30 процент юқори.

А. ФРАНКОВСКИЙ.
(ТАСС—ЎзТАГ).

•

Коммунистик меҳнат зарбдори, республиканинг қутлуғ юбилейига бағишланган социалистик мусобақа ғолиби О. Файзибоев «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг ҳурматга сазовор ишчиларидан саналади.

СУРАТДА: О. Файзибоев.

Х. Мирзакаримов фотоси.

•



